

## ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ДЕСТРУКТИВ ҒОЯЛАР ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕЗОНЛАРИ

**МАДРАХИМОВ В.Б**

*Ўзбекистон Республикаси Қурулти Кучлари Академияси кафедраси бошлиғи  
ўринбосари, Мустақил изланувчи*

**Аннотация:** *Мазкур мақолада замонавий, ихчам ва ҳаракатчан, тухта тайёргарликка эга, мамлакатимиз хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир, шунингдек ахборот-психологик ва мафкуравий таъсирларга қарши тура оладиган янги Ўзбекистон миллий армиямиз сафларидаги замонавий ҳарбий хизматчиларнинг ватанпарварлик фазилатлари ва уларни юксалтиришида ёшларнинг ўрни ҳақида кенг ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *Ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мазмун-моҳияти, Ёшларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизими, субъектлари, объектлари, принциплари, воситалар, йўналишлари, шакл ва услублари.*

“Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қурулга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди”

**Шавкат Мирзиёев**

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо, биз яшаётган ХХИ асрда мазкур масала ҳаёт-мамот масаласига айланиб улгурди. Чунки, дунёда авжига чиқиб бораётган бешавқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олиб, инсониятнинг асрлар давомида амал қилиб келаётган эътиқодлари, қадриятлари ва руҳиятини издан чиқармоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бунинг асосий сабаби ҳар соҳада кузатилаётган глобаллашув жараёнлари замирида айрим хорижий давлатлар ва сиёсий кучлар томонидан маънавиятсизлик “касалини”, ахлоқсизлик “эпидемиясини”, ўзининг фалсафасини, меъёр ва мезонларини “жаҳон стандарти” даражасига кўтариб, бошқаларга зўрлаб сингдириш ва улардан ўз геосиёсий мақсадларига эришиш йўлида фойдаланишга уринаётганлигидадир<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этилган таҳдидлар бугунги ёш авлоднинг таълим-тарбияси, маънавиятига алоҳида эътибор қаратишни ва уларда мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш борасида кечиктириб бўлмас чоралар кўришни тақозо этмоқда. Мазкур масала бугунги кунда нафақат Ўзбекистон, балки бутун дунё учун ҳам долзарбдир.

<sup>1</sup> Қуронов М. “Маънавий таҳдидларга қарши курашнинг илмий-услубий ҳамда ғоявий мафкуравий асослари” мавзусидаги республика илмий-услубий конеренцияси материаллари. – Т.: Мухаррир, 2010. – 3 б.

Хусусан, бу ҳақда мамлакатимиз Президенти - Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19-20 сентябрь кунлари БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги ўз нутқида: “Экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётганлигига тўхталиб, ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун шароит яратиб бериш ва улар орасида зўравонлик ғояси “вируси”нинг тарқалишини олдини олиш, дунё ҳамжамиятининг асосий вазифаларидан бири эканлигини алоҳида таъкидладилар”<sup>2</sup>

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, деструктив кучлар ўз таъсир кучи қаратилган жамиятларда намоёишлар ва турли норозиликларни келтириб чиқариш учун “оммавий маданият”ни кенг ёйилишини асосий шарт сифатида белгилайди. Улар ахлоқсизлик, зўравонлик, “демократия” ва миллатчилик ғояларини кенг тарғиб қилиш учун таъсир объектининг таълим-тарбия, маданият ва бошқа соҳаларига ОАВ, айниқса Интернет орқали суқилиб кирмоқда.

Манбаларда келтирилишича, ҳозирда турли террорчи ташкилотлар ғояларини тарғиб-ташвиқ қилишга мўлжалланган веб-сайтларнинг сони 10 000 дан ошган.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда ҳам Интернетга уланганлар сони ҳам кун сайин ортиб бормоқда ва 10 миллиондан кўпроқни ташкил этади.

“Рангли инқилоб” технологияси асосчиларидан бири, Джин Шарпнинг таъкидлашича, “Намоёишчиларни бир зумда, бошқарилмайдиган жанжалкаш тўдага, уларни эса ҳукумат кучлари билан курашадиган “армия”га айлантириш мумкин, бу учун фақат ўша одамларнинг, айниқса хиссиётларга тез бериладиган ёшларнинг қарашлари, маданияти ва руҳиятини олдиндан худди шундай ҳаракатларга тайёрлаш лозим, бунда Интернетнинг ўрни беқиёсдир”<sup>3</sup>.

Хусусан, бунда жамиятнинг турли қатлам вакиллари, айниқса ёшлар юқорида қайд этилган таъсир субъектларининг асосий нишони сифатида белгиланганлиги, ёш авлод таълим-тарбиясига бефарқ бўлган, уларни турли бузғунчи ғоялар таъсиридан асрашда сусткашлик қилган мамлакатларда қонли можаролар ва турли зиддиятларни келтириб чиқармоқда.

Мана шундай вазиятда инсон ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий кадриятлар негизида шаклланган соғлом дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, турли маънавий-мафкуравий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳолдир. Уларга қарши курашда ахборот оқимларини тўсиб қўйиш, одамларга қандайдир чекловларни жорий этишдан кўра, жамиятнинг турли қатламлари, айниқса, ёш авлодда мустаҳкам ҳаётий позицияни шакллантириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин, лекин, айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз

<sup>2</sup> ЎР Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Ватанпарвар, 2017 йил 22 сентябрь.

<sup>3</sup> Sharp G. The Anti Coup. Boston, Mass.:The Albert Einstein Institution, 2003.

киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват улар қалбида доимо аксадо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан дея таъкидлади.

Шундай экан, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси умумий тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, ёшларни Ватанга муҳаббат, садоқат руҳини, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириб, Ватанимизнинг тинчлиги, халқимизнинг осойишта ҳаётини фидокорона ҳимоя қилишга ва таъминлашга тайёрлаш учун йўналтирилган.

Унинг маънавий ва назарий асослари уни амалга ошириш бўйича мавжуд тизимнинг таркибий тузилиши, бу тизим фаолиятининг мақсади, методологик асослари, мазмун-моҳияти, вазифалари, воситалари, педагогик ва психологик асослари, шакл, усуллари, амалий методик, ташкилий масалаларни ўз ичига олади.

Бу масалаларнинг ўзига хос хусусиятларига маълумотларни илмий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш, такомиллаштириш йўл-йўриқларини белгилаш бўйича илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш орқали ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси самарадорлигини ошириб бориш билан таъминланади.

Шундан экан, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш- уларни Ватанимиз манфаатларини нафақат ҳарбий соҳада, балки ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳимоя қилишга тайёр туриши, юрт учун фидойи бўлиши, бугунги даврнинг долзарб талаби бўлиб қолмоқда.

Мазкур талаблардан келиб чиқиб, Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Ёш авлодимизда қатъий ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шунини ҳисобга олиб, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб олий ўқув юртлиригача қамраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос ноёб ва яхлит тизим яратилмоқда”<sup>4</sup>.

Дарҳақиқат, давлат ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини ташкил этиш, унинг натижалари мониторингини юритишни таъминлайдиган асосий институт ҳисобланади. Давлат ёш авлоднинг тарбиялаш жараёнини унинг оиласида, мақабгача таълим ташкилоти, умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, турли давлат ва нодавлат ноижорат ташкилотлари доирасида, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги остида ташкил этилмоқда.

**Юқоридагиларни келиб чиқиб, шунини таъкидлаш лозимки, Ватан ҳимоясини таъминлашда армия ва халқ бирлиги асосий омиллардан ҳисобланади. Ватан ҳимоясини фақат ҳарбий хизматчилар эмас, балки шу**

---

<sup>4</sup> Шавкат Мирзиёев. Қуролли Кучларимиз-мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг мустаҳкам кафолатидир//Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги нутқи-Электрон ресурс:[http://uza.uz/oz/politics/urolli-kuchlarimiz-mamlakatimiz-bar-arorligi-va-tara-iyetini-11-01-2018?sphrase\\_id=4108356](http://uza.uz/oz/politics/urolli-kuchlarimiz-mamlakatimiz-bar-arorligi-va-tara-iyetini-11-01-2018?sphrase_id=4108356). Мурожаат қилинган сана:12.04.2018.

заминда яшаётган касбидан қатъий назар барча фуқаролар, қаерда бўлмасин, ўз Ватанини ҳимоя қилишлари шарт.

Ўзини шу муқаддас Ватаннинг асл фарзанди деб билган ҳар бир инсон нафақат юрт тинчлигининг моҳиятини яхши англайди, балки унга муносиб ҳиссасини қўшади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда дунё шиддат билан ўзгараётган, минтақалар ва давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий курашлар тобора кескинлашиб бораётган бир шароитда мамлакатимиз ёшларининг онги ва қалбига нисбатан ташқи ва ички таҳдидлар кўлами ҳам кенгайиб бормоқда.

Хусусан, ёшларимиз тарбиясига ахлоқсизлик, безорилик, худбинлик, бефарқлик, кўнгилхушлик каби салбий иллатлар, шунингдек, диний экстремизм, “Оммавий маданият” ва наркомания каби таҳдидлар жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда.

Зеро, ҳозирги замон ёш авлодини бугунги кун талаблари асосида тарбиялаш зарур. Бу талаблар техника асрининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни ватанпарварлик, Ватанга садоқат, халқпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ишларининг муҳим аҳамият касб этишини намоён этмоқда<sup>5</sup>.

Ўтган даврда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини ўрганганда 2 босқичда амалга оширилганини кўриш мумкин.

Биринчи босқичда 1991 йилдан 2016 йилга қадар бўлган босқич. Бу вақт оралиғида собиқ СССР парчаланиши, СССРдаги институционал ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш фаолияти фалаж ҳолатга келиб қолиши ҳамда, ёшлар билан бевосита иш олиб борувчи ВЛКСМ ташкилоти собиқ СССР мафкурасига хизмат қилгани сабабли, бу борада қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш зарурлиги туфайли биринчи президентимиз томонидан “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” ги қонуни 1991 йил 20 ноябрь куни тасдиқланган.

Ушбу қонунга биноан Республикада олиб бориладиган ёшлар сиёсатини ташкил этиш, олиб бориш, ишлари ва давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ёшларнинг таълим олишдаги ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимоя ҳуқуқлари белгиланган. Бироқ, мазкур йилларда мамлакатимизда ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилганлигига қарамасдан, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларида қуйидаги **тизимли муаммолар** кузатилган, жумладан:

1) мамлакатимизда ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепцияси ҳамда тарбиянинг яхлит тизими мавжуд бўлмаган;

<sup>5</sup> Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – 106-бет.

2) мазкур йўналишдаги ишларни республика даражасида мувофиқлаштирувчи орган ташкил этилмаган, давлат ва нодавлат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг роли ва аҳамияти белгилаб берилмаган;

3) ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирлари асосан байрамларини нишонлаш вақтида ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари ёки ёшларни ҳарбий қисм ва муассасаларга экскурсиялар ташкил этиш билан чекланилган;

4) бу йўналишдаги тадбирларда давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим муассасалари ва кенг жамоатчиликнинг иштироки ва натижадорликка эришиш суст бўлган;

5) ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасида Қуролли Кучлар тузилмалари, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва таълим муассасалари ўртасида самарали ҳамкорлик бўлмаган.

Хусусан жойларда, авваламбор чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган кўп сонли ёшларнинг ўз иқтидор ва истеъдодини рўёбга чиқаришлари, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун кенг шароитлар яратиш, уларни турли зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш каби муҳим вазифаларни ҳал этишда мамлакатимизда 2001 йилда ташкил этилган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Ўзбекистон ёшларини буюк мақсадлар сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган оммавий ҳаракатга айлана олмаган.

Юқоридаги муаммо ва камчиликлардан келиб чиқиб, таълим-тарбия муассасаларида, маҳалла ва ташкилотларда ҳамда ҳарбий қисмларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини принципиал жиҳатдан янгича ёндашув асосида тизимга солишга ҳаётий муҳим эҳтиёж сезилган.

Шу билан бирга, Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этиш мақсадида муҳтарам Президентимиз 2017 йил 30 июнда “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ИВ қурултойида иштирок этиб, учрашув доирасида кенг жамоатчилик, аввало, ёшлар вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракати негизида Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этиш ҳамда 30-июнни “Ёшлар куни” этиб белгилашни таклиф этдилар.

Шундан сўнг, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ислохотларнинг амалий давоми сифатида 2017 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”га фармони имзоланди.

Унга мувофиқ, давлатимизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, 30-июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни”, деб эълон қилинди. Мамлакатимизнинг

барча ҳудуд, вазирлик, идора ва ташкилотларида ҳудудий кенгаш ва бошланғич ташкилотлар тузилди ҳамда ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

Ўзбекистон ёшлар иттифоқини республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, “Ёшлар - келажак бунёдкори” шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айлантириш;

ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбида мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ва унинг тақдирига дахлдорлик, фидойилик ҳиссини қарор топтириш ва ривожлантириш, турли мафкуравий таҳдидлардан асраш;

демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислохотларда ёшлар фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор, шижоатли, эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайрати, билим ва салоҳиятини сафарбар қиладиган, мамлакат истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир ёшлар сафини кенгайтириш;

ёшларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш, ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ташаббусларини рағбатлантириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришига қўмаклашиш;

ёшларнинг илмий ва бадий китоблар, жумладан, электрон асарларни ўқишга бўлган қизиқишини янада ошириш, ҳуқуқий, экологик, тиббий ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш маданиятини юксалтириш орқали уларда турли мафкуравий таҳдидларга, хусусан, диний экстремизм, терроризм, “оммавий маданият” ва бошқа ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олишга қаратилган самарали тадбирларни амалга ошириш;

ёшларни, айниқса, улар уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга, ижодий тўғараклар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш;

ёш оилалар, хусусан, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратишга қаратилган мақсадли ишларни ташкил этиш;

ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жинойтчиликнинг барвақт олдини олиш ва профилактика қилиш ишларида фаол иштирок этиш;

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларда фаол иштирок этадиган, халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қиладиган билимли, ташаббускор, ишбилармон, ҳалол ва фидойи ёш раҳбар кадрларни тарбиялаш, захирасини яратиш ва уларни давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг масъул лавозимларига тавсия этиш;

ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қиладиган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тadbирларни амалга ошириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда ғоявий-услубий жиҳатдан кўмак беришдан иборат.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон. 2020. – 80 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг маънавий-маърифий савиясини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3898-сон қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 08.08.2018 й. 07/18/3898/1622-сон.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 104 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи.Т.:“Ўзбекистон” НМИУ. 2016. 56 б.

## ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРИ:

1. Романова И.Г. Особенности функционирования комиссий по делам несовершеннолетних и защите их прав в современной России. Научная статья на тему. М.: 2015. <http://www.nsportal.ru>.
2. Ўз.Р. давлат статистика қўмитаси расмий сайти, <http://www.stat.uz>.
3. Мудофаа вазирлиги интернет сайти. <http://www.mv.uz>.